

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА НОДИРАБЕГИМ КОМИЛОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертация доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ражабова Нодирабегим Комиловна

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик
кўникмаларини ривожлантириш..... 3

Ражабова Нодирабегим Комиловна

Развитие исследовательских навыков будущих учителей начальных
классов..... 23

Rajabova Nodirabegim Kamilovna

Development of research skills of future primary teachers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА НОДИРАБЕГИМ КОМИЛОВНА

**БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Ped3020 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси-www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида-www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хакимова Муҳаббат Файзиевна,
педагогика фанлари доктори, профессор,

Исакулова Нилуфар Жаникуловна,
педагогика фанлари доктори, профессор,

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “__” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил “__” _____ да тарқатилди.

(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси

З. Н.Мамаражабова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби,п.ф.н.доцент

С.С.Булатов
Илмий даражалар берувчи Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”¹ сифатида эътироф қилинган. Тадқиқотчилик ёндашуви асосида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг инновацион йўналишлари, ўқитишнинг вариатив шакллари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш механизмларини амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида бошланғич синф ўқитувчиларида тадқиқотчилик фаолиятини тайёргарлиги сифатини таъминлаш, таълим жараёнини моделлаштириш, лойиҳалаштириш тайёргарликни такомиллаштириш, касбий сифатларни ва компетенцияларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига тадқиқотчилик ва касбга тайёрлашни халқаро малака талаблари асосида олиб бориш, таълим сифатини халқаро даражага кўтариш, тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш даражаси диагностикасини амалга ошириш, модулли таълимни йўлга қўйиш, ижтимоий коммуникативликни фаоллаштириш, бошланғич синф ўқитувчисининг профессионалигини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотларга эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш, бошланғич синфларда таълим жараёнини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, компетент мутахассис ва касбий компетенцияни ривожлантириб, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилмоқда. Мақсад «Олий таълим билан камров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш»² устувор вазифалари сифатида белгиланган. Натижада, барча соҳалар учун зарур етакчи кадрлар тайёрлаш, хусусан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон,

¹Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/5841063>

2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-6097-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, 2017 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислох қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларининг касбий кўникмаларини такомиллаштириш масалалари Б.Абдуллаева, Р.Исянов, Н.Муслимов, Ж.Отажонов, М.Уразова, Д.Элмурадова, Ф.Раҳматова, У.Содиқов, Б.Ходжаевлар томонидан тадқиқ қилинган. Таълим олувчиларда тадқиқотчилик кўникма ёки компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларни тадқиқот ишларига йўналтириш масалалари И.Асқаров, М.Атақулова, Н.Нарзиева, Б.Рахимов, К.Суяров, Ж.Турматовлар томонидан тадқиқи этилган.

Талабаларнинг илмий - тадқиқот ишларини ташкил этиш масалалари МДХ давлатлари олимларидан Г.С.Альтшуллер, А.В.Андриенко, А.А.Вербицкий, Е.Ю.Гирфанова, Л.А.Казанцева, А.А.Кирсанов, А.Леонтьев, М.И.Махмутов, П.И.Пидкасистий, Г.П.Полутина, Л.М.Поповлар; талабаларнинг мустақил изланиш ишлари жараёнида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш масалалари В.И.Андреев, Е.А.Корчагин, Е.А.Климов, тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг ташкилий тузилишини аниқлашда асосий ёндашувлар Д.Ш.Галиуллина, А.Г.Мусинлар томонидан татқиқ этилган.

Талабаларни фаоллигини рағбатлантириш ва тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш А.Ashworth, R.Harvey, R.R.Jordan, F.N.Kerlinger, Fr.Kron, L.Norton, R.Horn, K.Pavitt, S.Thomas, D.Woodhouse ва бошқаларнинг илмий ишларида асосланган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Бошланғич синф ўқитувчилари учун фанлардан мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий омилларнинг педагогик имконийатларини таҳлил этиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг ташкилий-педагогик шартларини такомиллаштириш;

тадқиқот фаолиятига тайёрликни диагностика қилиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети, Навоий давлат институтларининг 337 нафар респондент-талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий, фалсафий, социологик, психологик ва педагогик адабиётлар, меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, инновацион педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, ўхшашлик, моделлаштириш, эмпирик, кузатиш, сўровлар (сўровномалар, интервьюлар), индивидуал ва гуруҳли суҳбатлар, талабаларнинг ўқув ва аудиториядан ташқари машғулотлари (фаолият маҳсулотлари) натижаларини ўрганиш, педагогик эксперимент, статистик, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари макро ва микро муҳит шароитларнинг тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган шахсий хусусиятларини индивидуаллик асосида объектив баҳолашнинг интегративлигини когнитив характерга эга бўлган мақсадли таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари тадқиқот ишларида иштирок этишни рағбатлантирувчи объектив ва субъектив омилларини аниқлаш ҳамда қулай таълим муҳитини яратиш жараёнини устувор мақсадларга мос жадаллаштириш орқали такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятига тайёрлигини диагностика қилиш кўрсаткичлари уларнинг илмий-тадқиқот ишларига муносабатини фаоллаштириш ҳамда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шартларини изчил равишда аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ихтирочилик фаолияти дидактик мазмунга таъсир қиладиган педагогик мақсадларни белгилаш, ўз фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш, ижтимоий ҳаракатчанлик қобилиятларини рефлексив баҳолаш ҳамда ташкилий-дидактик компонентларининг баркамол шахсни тарбиялашдаги миллий қадриятларга асосланган мобиллигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган назарий хулосалар, тавсиялар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мазмунан бойитишга, фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилиши, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш дидактик мазмунининг илмий-назарий асосланганлиги, тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш учун зарур бўлган шахсий хусусиятларни баҳолаш мезонларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илгари сурилган фикрлар ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида педагогик туркум фанларини ўқитишда, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув методик қўлланмалар яратиш, назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда, педагог кадрларни тайёрлашда таълим сифатини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг рағбатлантирувчи омилларнинг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари макро ва микро муҳит шароитларининг тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган шахсий хусусиятларини индивидуаллик асосида объектив баҳолашнинг интегративлигини когнитив характерга эга бўлган мақсадли таъминлаш орқали такомиллаштириш бўйича маълумотлар “Математика ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166-сон буйруғи асосида нашрга тавсия

этилган 166-097 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий омилларининг педагогик жиҳатларини таҳлил этишга эришилган.

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари тадқиқот ишларида иштирок этишни рағбатлантирувчи объектив ва субъектив омилларини аниқлаш ҳамда қулай таълим муҳитини яратиш жараёнини жадаллаштириш такомиллаштиришга оид маълумотлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2022 йил 30 мартдаги 02-07-859/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришни рағбатлантиришнинг ташкилий-педагогик шартлари аниқланган.

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятига тайёрлигини диагностика қилиш кўрсаткичлари уларнинг илмий-тадқиқот ишларига муносабатини тавсифлаш ҳамда тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шартларини аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Математика ўқитиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166-сон буйруғи асосида нашрга тавсия этилган 166-097 рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш моделининг мазмунини аниқлаш имкони яратилган.

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ихтирочилик фаолияти дидактик мазмунга таъсир қиладиган педагогик мақсадларни белгилаш, ўз фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш, ижтимоий ҳаракатчанлик қобилиятларини рефлексив баҳолаш ҳамда ташкилий-дидактик компонентларининг баркамол шахсни тарбиялашдаги миллий қадриятларга асосланган мобиллигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети 2022 йил 30 мартдаги 02-07-859/04-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 126 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган; тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асослари, тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг индивидуал-шахсий сифатлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий зарурияти баён қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш учун ўқув жараёнида уларнинг мустақил тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш лозим. Бугунги кунда олиб борилаётган таълимни модернизация қилиш шароитида таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти изланишларга айланиб бормоқда. Шунинг учун, ҳозирги вақтда ўқув жараёнига бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий тадқиқот (ўқув жараёнида) ва тажриба-конструктив фаолиятини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақобатбардош мутахассис тадқиқотчилик бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Н.Нарзиева томонидан тадқиқотчилик кўникмасига ўқувчини тадқиқот ишларини бажаришга оид қобилиятидир, тадқиқотчилик кўникмаси ўқувчи томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланиши эмас, балки ҳар бир фан бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳамда мустақил равишда ижодий фаолият олиб бориш, деб муаллифлик таърифи берилган. Ж.Турматов касб таълими ўқитувчиларида тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш масалаларини ўрганган бўлиб, у тадқиқотчилик компетенцияни тадқиқотчилик фаолияти жараёнида қўлланиладиган етарли билим, кўникма, малакалар ҳамда шахсий сифат ва индивидуал қобилиятлар мажмуаси сифатида таърифлайди. Қ.Суяров фикрича, ўқув-тадқиқотчилик кўникмаларининг ўзига хослиги ва тавсифи ўқитиш мазмунида акс этади, унинг ривожланганлик даражаси эса, дидактик жараён натижаси ҳисобланади.

Е.Ю.Гирфанованинг фикрича талабаларнинг тадқиқот фаолияти - бу ижодий, тадқиқот муаммосини ҳал қилиш ва илмий тадқиқотнинг асосий

босқичлари мавжудлигини тахмин қилиш билан боғлиқ ўқув ишларини ташкил этиш шакли. Тадқиқот фаолиятининг асосий ажралиб турадиган хусусияти - танланган ҳодисани ўрганишнинг амалий методологияси, ўз материали, ўз маълумотларини таҳлил қилиш каби элементларнинг мавжудлиги, экспериментал ишларнинг бориши ва ундан келиб чиқадиган хулосалар.

Шунингдек, Е.Ю.Гирфанованинг фикрича ўқув жараёнида талаба тадқиқотларни ташкил қилиш ва мустақил олиб бориш кўникмаларини эгаллаши, фактларни топишни, солиштиришни, улар ўртасида алоқа ўрнатишни, умумлаштириш ва хулосалар чиқаришни ўрганиши керак. Бунинг учун у турли манбалардан олинган билимлардан фойдалана олиши, олинган маълумотни шарҳлай олиши, тадқиқот натижаларини тўғри шакллантириш ва уларни ҳимоя қила олиши керак. Тадқиқот ишларида қатнашиш талабанинг интеллектуал, касбий ва умумий шахсий ўсишига ёрдам беради.

Г.Бокарева, Е.Кикотьларнинг таъкидлашича, тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг муҳим шарти - бу талабаларнинг уни амалга оширишга тайёрлигининг мавжудлиги, бу зарур билимларни, тадқиқот кўникмаларини эгаллашни, мотивацияни, мустақилликни ва индивидуал тадқиқот қобилятини ривожлантиришни назарда тутати. Шунга асосланиб, ўқувчиларнинг тадқиқот фаолиятига тайёрлиги ўқув тадқиқотларини ўтказиш тажрибасини, янги билим, кўникма ва кўникмаларни эгаллаш, мотивацияни ривожлантириш натижасида шаклланган индивидуал тадқиқот имкониятларининг мавжудлигини англатади. ва илмий жамият ва жамиятдаги вазиятни ўзгартириш.

Тадқиқот иши давомида ўтказилган таҳлиллар асосида маълум бўлдики, мустақил тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлашни ўргатиш, маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш, тизимлаштириш, фактларни умумлаштириш, рефератлар ёзиш, илмий конференцияларда маърузалар билан иштирок этиш асосида амалга оширилади. Ўз навбатида ривожлантирилган тадқиқотчилик кўникмалари ушбу ўқув – тадқиқот ишларини самарали амалга оширишга хизмат қилади. Илмий ишлар доирасида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари биринчи навбатда тадқиқот ишларининг биринчи кўникмаларини эгаллайди, сўнгра амалиёт билан боғлиқ бўлган у ёки бу тарзда олинган назарий билимларни тадқиқотга киритишни бошлайди.

Диссертация ишида илмий тадқиқот ишларининг ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш масалалари ўрганилган. Айтиш лозимки, таълимнинг энг муҳим вазифаси бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларларнинг амалий аҳамиятга эга бўлган баъзи илмий муаммоларни кўриш ва ҳал қилиш қобилятини ривожлантиришдир. Тадқиқот ишларида илмий тадқиқотлар - бу рухсат этилган табиат ҳодисалари ҳақидаги фаразий тахминларни тизимли, назорат остида, эмпирик ва танқидий ўрганиш, деган фикрлар билдирилади. Интеллектуал бошқариладиган илмий тадқиқотлар, янги маълумотларни кашф этиш ва тизимлаштириш орқали ёки мавжуд ахборот ва амалиётни ишлаб чиқиш ва янада хабардор қилиш орқали янги билимларни олишга олиб келади. Тадқиқотчилик кўникмаларининг ривожланиши асосида бўлажак бошланғич

синф ўқитувчилари билимларни ўзлаштиришнинг усулларини тушуна оладилар. Демак, ҳар қандай илмий тадқиқот бу – билишнинг махсус ташкил қилинган жараёни бўлиб, унда воқелик ҳақидаги назарий билимлар ўрганилади, ўзлаштирилади ва тизимга солинади.

Ушбу бобда тадқиқот фаолияти мазмуни аторофлича ўрганилган. Тадқиқот фаолияти сифатида кенг маънода танқидий тафаккурни ривожлантиришга ва муайян босқичлардан иборат муаммоларни мустақил ҳал қилиш қобилиятига ёрдам берадиган фаол ўқув жараёни сифатида тушунилади. Мавжуд тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида айтиш лозимки, ўқув жараёнида тадқиқот фаолияти бу тадқиқот стратегияси ва керакли усулларни танлаш, тадқиқот маълумотларини йиғиш, талқин қилиш, илмий иш ёзиш ва унинг асосий натижаси стандарт шаклда тақдим этилган интеллектуал жараён дир.

Диссертация ишида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув жараёнидаги тадқиқот фаолияти таълимий эканлиги, унинг асосий мақсади - объектив янгиликка эга бўлган янги натижаларга эришиш эмас, оддий тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш эканлиги аниқланган. Яъни, ўқув -тадқиқот ва илмий -тадқиқот ишларининг асосий мақсади объектив янгиликка эга бўлган илмий натижаларни олиш эмас, балки энг оддий тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш дир. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув жараёнидаги илмий-тадқиқот фаолиятининг маъноси шундаки, уни амалга ошириш жараёнида тадқиқот қобилиятлари ва кўникмаларини ўзлаштирилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмалари адабиётларни мустақил танлаш, каталоглар билан ишлаш, архивлар, ахборот шарҳлари, картотекалар тузиш, эслатмалар ёзиш, адабиётларни шакллантириш, илмий маърузалар қилиш, дастур ишлаб чиқиш ва мустақил тадқиқотлар ўтказишда намоён бўлади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ўқув жараёнида тадқиқот ишларининг ҳар қандай тури, биринчи навбатда, ижодкорлик технологиясини, ижодий тадқиқот ишининг техникасини ўзлаштириш, тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришни назарда тутати. Тадқиқот кўникмаларининг моҳияти ва хусусиятларини таҳлил қилиш асосида уларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиш мумкин: адабиёт билан ишлаш қобилияти (адабиётни мустақил танлаш; каталоглар, йилномалар билан ишлаш; адабиёт бўйича эслатмалар ёзиш; маълумотномаларни тўғри тузиш қобилияти; қўлланмалар рўйхатини тузиш; боблар ва параграфларни тўғри белгилаш; таҳлил қилиш); тадқиқот ўтказиш қобилияти (сўровномалар тузиш ва сўровномалар ўтказиш; экспериментал иш натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш; ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиш; тадқиқот босқичларини режалаштириш); тадқиқот натижаларини тақдим этиш қобилияти (тадқиқот натижалари билан омма олдида чиқиш; чизмалар, диаграммалар, графиклар тузиш; бошқа ишлар бўйича фикр билдириш; ўз фикрини илмий асослаш ва ифода этиш, тақдимотлар яратиш қобилияти). Тадқиқот давомида муваффақиятли тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган бир қатор умумий хусусиятлар аниқланган (1-расмга қаранг):

фанга фаол, ижобий муносабат, юқори даражадаги ривожланиш иштиёққа айланиб кетадиган мойиллик.

меҳнатсеварлик, ташкилотчилик, мустақиллик, фидойилик, қатъиятлилиқ, барқарор интеллектуаллик сезгилар.

тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида қулай руҳий ҳолатларнинг мавжудлиги

тегишли фан соҳасидаги маълум билим, кўникма, малака ва компетенциялар

1-расм. Ўқув жараёнида муваффақиятли тадқиқот ишлари учун зарур бўлган бир қатор умумий хусусиятлар

Илмий - тадқиқот ишларининг хилма-хиллиги бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига мутахассислиги бўйича кўникмаларга эга бўлиш ва пировардида меҳнат бозори талабларига жавоб бериш имкон беради.

Диссертациянинг **“Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш педагогик шарт-шароитлари, бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш модели, мустақил таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш механизмлари баён қилинган.

Тадқиқот иши давомида аниқландики, илмий - тадқиқот ишларини ташкил этишнинг махсус самарали шакли - бу илмий-ўқув жараёни бўлиб, бунда ўқув жараёни, амалий машғулотлар ва илмий -техник ижодкорликни ташкил этиш жараёнлари илмий изланишларга сингдирилади. Шунингдек, ўқув жараёнида тадқиқот ишларининг индивидуал, жамоавий ва гуруҳли шакллари фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган, ишлаб чиқаришни саноат ва хизматларга йўналтирилган янги билимларни олишга қаратилган амалий ва фундаментал тадқиқотларни ўз ичига олиши мумкинлигига эътибор қаратилади.

Тадқиқотда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришда ўқитувчилар фаолиятининг асосий мақсади - уларнинг илмий фаоллигини рағбатлантириш эканлиги аниқланган. Яъни, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини тадқиқот ишларида иштирок этишни рағбатлантирувчи объектив ва субъектив омилларни аниқлаш асосида ривожлантиришга аҳамият қаратилган. Зеро, уларнинг илмий - тадқиқот ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришдан мақсад мутахассисларнинг илмий тайёргарлигини оширишдир.

Рағбатлантирувчи тадқиқот фаолиятининг мазмуни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни унга назарий ва амалий тайёрлашни ўз ичига олади. Назарий тайёргарликка, биринчи навбатда, ўрганиладиган фанлар бўйича билимларни чуқурлаштириш, шунингдек, илмий -тадқиқот фаолияти ва улар билан ишлаш кўникмалари ҳақидаги билимларни шакллантириш киради.

Шу билан бирга, мақсадга муваффақиятли эришиш учун бир қатор вазифалар ҳал қилиниши керак, уларнинг асосийлари: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг тадқиқот қобилияти ва тадқиқотга тайёрлигини шакллантириш диагностикаси; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларларига тадқиқот асосларини ўргатиш; ижодий илмий ишларга тайёрлаш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига шахсий ижодий қобилиятларини очиб бериш ва амалга ошириш учун шароит яратиш; конструкторлик иши кўникмаларига эга бўлган, ишлаб чиқаришда аниқ илмий ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқа оладиган ва ўзини ўзи бошқариш кўникмаларига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш; ўқув машғулотлари ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларларининг илмий - тадқиқот ишларининг интеграциясини таъминлаш; уларнинг ишланмалари натижаларининг жорий этилишини таъминлаш.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришда амалий машғулотлар мазмуни ўқув жараёнидаги муаммоли масалаларни эчиш, илмий -тадқиқот фаолиятини бевосита амалга ошириш, рефератлар, курс ишлари ва битирув ишларини ҳимоя қилиш, институт, университетлараро ва бошқа конференциялар семинарлар, мусобақаларда қатнашишни ўз ичига олади.

Ўқув жараёнининг сифатини илмий -услубий таъминлаш йўналишларидан бири бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларларнинг тадқиқот ишларида кўникмаларини шакллантиришдир. Аввало, уларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни алгоритмини ўрганиш учун ҳар қандай тадқиқотчилик жараёни ва уни амалга ошириш алгоритми ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозим. Адабиётлар таҳлили асосида ҳар қандай тадқиқотчилик жараёни босқичлари аниқлаштирилди: масала ечимига эришишнинг умумий йўналишини белгиловчи концепцияни аниқлаш; масала шarti ва ечимини аниқлашга оид ахборотлар йиғиш; масалани ечиш услубини танлаш ва уни текшириб кўриш. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат (2-расмга қаранг).



2-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш босқичлари.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув жараёнида тадқиқот фаолиятини ташкил этишни тизимли ёндашув нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотда тизимли ёндашув асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш модели ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш учун ташкилий-педагогик шартлар мажмуи аниқланди (3-расмга қаранг).



3-расм. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш модели

Моделни такомиллаштиришда бўлажак ўқитувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришни рағбатлантириш жараёни педагогик тизим сифатида қаралиб, жараёни тизимлаштирадиган асосий компонент - мақсадли компонентдир. Мақсад бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқув жараёнида илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиш орқали тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш. Демак, таклиф қилинаётган моделни тизимлаштирадиган асосий компонент мақсадли компонент бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилиниши орқали унинг касбий малакасини оширишга кўмаклашиш, шунингдек келажакда унинг бундай фаолиятга йўналишини белгилаб беради.

Тадқиқотда ишлаб чиқилган моделнинг навбатдаги ташкилий-фаолиятли компоненти - олдинга қўйилган мақсадга эришиш ва танланган вазифаларни ҳал этиш учун педагогик фаолиятни ташкил этишни белгилайдиган мазмун ва тамойилларни ўз ичига олади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш тизимининг ушбу компоненти - бу уларни тадқиқот фаолиятига жалб қилишни таъминлайдиган ўқитувчилар ва бошқа фанларнинг мақсади, тамойиллари, мазмуни, ташкилий шакллари, усуллари ва воситаларининг бирлигидир. Бу рағбатлантирувчи субъектлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятига қизиқиши ва иштирокини намоён этиш, тадқиқот ва тажриба билан шуғулланиш эҳтиёжини ривожлантириш учун имкониятлар яратадиган воситалар ва усуллар тизимидир.

Изланишлар давомида маълум бўлдики, тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш - бу объект, стимуляция субъекти ва атроф -муҳит шароитлари ўртасидаги ўзаро таъсир тизими ҳисобланиб, бунинг натижасида уларнинг тадқиқотни турли шаклларида иштирок этиш эҳтиёжлари ва мотивлари ривожлантирилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятини рағбатлантиришнинг моҳияти шахснинг эҳтиёж-мотивацион соҳасини ривожлантиришда ётади ва унинг эҳтиёжлари ҳамда фаолият мотивларини шакллантириш учун зарур шарт -шароитларни яратади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий - тадқиқот кўникмаларини педагогик рағбатлантириш тадқиқотнинг асосий тушунчаларидан бири эканлигини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, инсон фаолияти стимуллари тавсифловчи тушунчаларга эҳтиёжлар, қизиқишлар, мотивлар ва рағбатлар киради. Эҳтиёж психологик тушунча сифатида, инсоннинг этишмаётган нарсага бўлган эҳтиёжини бошдан кечиришни англатади. Бундай эҳтиёжни бошдан кечириш одамда ўзига мос ички қизиқишни уйғотади, уни ҳаракатга ундайди.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тадқиқот фаолиятига рағбатлантириш зарурати ортидаги навбатдаги бўғин - бу қизиқиш. Қизиқишнинг рағбатлантирувчи роли шундан иборатки, унга асосланган фаолият ва бир вақтнинг ўзида эришилган натижалар, субъектда қувонч, ҳиссий юксалиш ва қониқиш ҳиссини келтириб чиқаради, бу эса уни фаолиятни

намоён қилишга ундайди. Қизиқиш одамни маълум йўналишда ҳаракатга келтиради.

Тадқиқот натижалари яна шуни кўрсатадики, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг илмий -тадқиқот фаолиятининг яна бир ҳаракатлантирувчи кучи - мотивлардир. Улар маълум бир тарзда онгли равишда қўйилган ва оқланган мақсадга асосланган фаолиятга шахснинг субъектив муносабатини кўрсатади. Стимул - бу фаолият мотивини ташкил этувчи ташқи оламнинг таъсири, мотив эса - инсон фаолиятининг ички стимули. Адабиётларда, стимулни одамларни фаолликка ундовчи восита, ўзига хос ташқи туртки, унинг кучи ижтимоий аҳамиятига қараб ортади, деб таърифланади. Мотив киши томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг ички огоҳлантирувчиси сифатида талқин қилинади. Мотивлар - бу маълум бир ишни бажараётганда ёки ўз ҳаракатларида тегишли аниқ шароитларда онгли равишда бошқариладиган фикрлар, истаклар ва қизиқишлар. Демак, рағбатлантириш - бу ҳаракат учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектив рағбатлантириш, мотив - бу қўзғатувчи сабаб бўлган ҳаракатнинг шахсий асосланиши, яъни субъектив характердаги рағбат, унинг кучи унинг ижтимоий қимматли мазмуни ошиши билан ортади. У бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларини ҳамда уларнинг бу соҳадаги мумкин бўлган ютуқлари даражаси (муҳим даража ва махсус даража)ни ўз ичига олади. Муҳим даража – ўқув ва тадқиқот ишларида таълим стандартида белгиланган мажбурий минимал миқдорни назарда тутаяди. Махсус даража бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолият технологиясини ўзлаштиришда ижодий қобилиятларини намоёниш этиш ва тартибга солишга қодир бўлган қисмидир. Тадқиқотда давомида педагогик вазифаларидан бири сифатида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг тадқиқот фаолиятини рағбатлантиришнинг конструктив, ташкилий, коммуникатив ва гностик компонентлари ажратилган.

Конструктив компонент қуйидагиларни ўз ичига олади: ўзлаштириш керак бўлган маълумотларни танлаш ва тузиш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг фаолиятини лойиҳалаштириш; керакли маълумотлар ўзлаштириш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўз келажакдаги фаолияти ва хулқ -атворини лойиҳалаш.

Ташкилий компонент қуйидагиларни ўз ичига олади: маълумотни бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига этказиш жараёнини ташкил қилиш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг илмий -тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг жараёнида ўз фаолияти ва хулқ -атворини намоён этиши.

Коммуникатив компонентга қуйидагилар киради: бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари билан муносабатларни ўрнатиш; илмий тадқиқотларни рағбатлантиришда субъектларнинг ўзаро ижобий таъсирини ошириш.

Гностик компонент қуйидагиларни ўз ичига олади: бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг индивидуал типологик хусусиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиш; бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари билан ўзаро муносабатларнинг мазмуни ва усулларини аниқлаш; жараённинг хусусиятлари

ва ўз фаолияти натижаларини, унинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш ва шу асосда уни тузатиш ва такомиллаштириш.

